

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 2 сон

Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Б.Уринов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: *акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., проф. Ў.Розиқов, ф-м.ф.д., проф. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., доц. Б.Саматов.*

Кимё фанлари- *акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.*

Биология фанлари- *акад. К.Тожибоев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. А.Баташов.*

Техника фанлари- *т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.*

Қишлоқ хўжалиги фанлари – *г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.*

Тарих фанлари – *акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.*

Иқтисодиёт фанлари – *и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.*

Фалсафа фанлари – *акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.*

Филология фанлари – *акад. Н.Каримов, акад. Т.Мирзаев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Х.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев.*

География фанлари - *г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.*

Педагогика фанлари- *п.ф.д., проф. У.Иноят, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., проф., Л.Муминова, п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев.*

Тиббиёт фанлари – *б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.*

Психология фанлари – *п.ф.д. проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова*

Техник муҳаррирлар: *Б.Ашуров, Н.Юсупов, Ф.Асқаров.*

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномасига биноан чоп этилади. НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.02.2020 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 2). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

утверждать, что все эти выводы действительно для каждого учащегося. Наконец, если это исследование будет воспроизведено, оно может дать более подробную информацию и результаты после того, как оно будет применено к разным ученикам из разных областей, а также если будет добавлено больше предметов и утверждений, которые будут переданы участникам.

Литература

1. Антонова Н.В., Шмелева Ж.Н. Формирование коммуникативной компетенции при изучении английского языка студентами неязыкового вуза // Вестн. КрасГАУ. - 2014. - № 2. - С. 240-244.
2. Дьюи Дж., Дьюи Э. Школы будущего. - Берлин, 1922. - 178 с.
3. Зимняя, И. П. Психология обучения иностранному языку / И. П. Зимняя. – М. : Логос, 1991.
4. Леонтьев, А. А. Внеязыковая обусловленность речевого акта и некоторые вопросы обучения иностранным языкам // Иностранные языки в школе.– 1968 - №2 Обучение иностранным языкам. Материалы для специалиста образовательных учреждений Москва, 2003, 192 с
5. Плигин, А. А. Усиление мотивации к изучению английского языка / А. А. Плигин. [электронный ресурс] URL: www.homeenglish.ru / Articles Usiln. Нт
6. Ребрин Ю.И. Управление качеством: учеб. пособие. - Таганрог: Изд-во ТРТУ, 2004.
7. Logan, F. A. Fundamentals of learning and motivation / F. A. Logan. – 3rd print.. – Dubuque : Brown, 1971. - 226 p.
8. Kegan, R. The evolving self: Problem and process in human development. - Cambridge, Mass : Harvard University Press, 2012.
9. Park Dahlgaard, S. M. The human dimension in TQM. Learning, training and motivation A thesis / S. M. Park Dahlgaard. - Linköping : Linköpings univ. Dep. Of management a. economics, cop. 2001.–342 p.

КИМЁ ДАРСЛАРИНИ ЎТИШДА КЕЙС – СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Акбарова Муаттархон Тилаволдиевна, ўқитувчи,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ш.

Аннотация: Ушбу мақолада кимё дарсларини ўтишда кейс – стади таълим технологиясидан фойдаланиш талабаларнинг янги мавзунини ўзлаштиришлари ҳамда мустақил фикрлаши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: кейс – стади, муаммоли вазият, вазифалар, муаммо, ечим алгоритми, ўқитувчи топшириқлари

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ КЕЙС-СТАДИ В ОБУЧЕНИИ ХИМИИ

Акбарова Муаттархон Тилаволдиевна, ўқитувчи,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ш.


Аннотация: В этой статье отображено, использования технологии кейс-стади в обучении химии студентов при освоении новой темы и самостоятельном мышлении.

Ключевые слова: кейс-стади, проблемные ситуации, задачи, проблемы, алгоритмы решения, задачи учителя

Кейс усули. Кейс-стади (инглизча *case* - тўплам, аниқ вазият, *stadi*- таълим) - кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характерига эга бўлади, бирор бир жараёни тадқиқ этишда босқичма-босқич, малум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

Ушбу метод дастлаб Гарвард бизнес мактабида қўлланилган. Гарвард бизнес мактабининг ўқитувчилари бизнес йўналишидаги аспирантура бўлими учун тўғри келадиган дарсликларнинг мавжуд эмаслигин тез англайдилар. Ушбу масалани ечиш учун бизнес мактабининг ўқитувчилари томонидан қўйилган дастлабки қадам етакчи бизнес амалиётчиларидан шу менеджерларнинг фаолияти, унга таъсир этувчи омиллар юзасидан батафсил хисобот ёзиш бўлди. Маъруза тингловчиларга у ёки бу ташкилот тўқнаш келган конкрет вазият, ушбу вазиятни таҳлил этиш ва мустақил равишда ёки жамоа бўлиб мунозара ташкил этиш асосида унинг ечими топиш тарзида тақдим этилар эди. Кейинчалик кейс методи бизнес йўналишидаги таълим муассасаларида кенг тарғиб этилган. Ҳозирги кунда эса, касбий компетентликни ривожлантириш нуқтаи назаридан мазкур метод тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Европанинг етакчи бир қатор таълим муассасаларида кейс-стади методи асосида дарс берибгина қолмай, кейсларни яратишда ҳам фаол иштирок эта бошладилар.



Мустақил Ўзбекистонимизда турли соҳалардаги ўзгаришлар жамиятимиз оддига ўсиб келаётган авлод билими, маънавияти, илмий дунёқарашини бойитишнинг самарали воситаларини излаш заруриятини кўймоқда. Шундан келиб чиқиб, таълим жараёнида ҳам дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи таълим технологияни қўллашга тўғри келади. Шундай усуллардан бири Кейс – стади технологияси бўлиб, бу технология таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборатдир. Қуйида кимё фанини ўқитишда Кейс – стади технологиясини қўллаш услубиётини ҳавола этамиз.

Мавзу: Кимё саноати билан боғлиқ экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида

Берилган кейснинг мақсади:

Талабаларга халқ хўжалигида заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш ҳақида маълумот бериш.

Дунёқарашини кенгайтиришга ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

Кимёвий ўғитлар ва чиқиндисиз илғор технологиялардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш орқали муаммони камайитиришга эришиш.

Бу борада зарур билимларни бериш ҳамда таҳлил қилиш, муаммоларнинг олдини олиш бўйича чора – тадбирларни ишлаб чиқиш.

Мавзуда кўрсатилган муаммоларни келтириб чиқарувчи сабабларни топиш ва уларни ўзаро боғлаган ҳолда ечимларни аниқлаш.

Ўқув фаолиятдан кутилаётган натижалар:

Чиқиндисиз технологиялардан оқилона фойдаланиш қанчалик муҳимлигини тушунади;

ўрганилаётган мавзу бўйича амалий кўникмаларга эга бўлади;

ўрганилиши назарда тутилаётган тушунчалар ҳақида малакага эга бўлади;

муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди;

муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади.

XXI аср бўсағасида инсоният олдида турган энг муҳим муаммолардан бири табиатни асраш ва экология муаммолардан бири табиатни асраш ва экология муаммоси бўлиб қоляпти. Ўзбекистонни биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида шундай дейилган: “Экологик муаммо Ер юзининг ҳамма бурчагида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир”. Марказий Осиёда экологик хавфнинг ғоят хатарли ҳудудларидан бири вужудга келганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Бу хавфнинг моҳияти шундан иборатки, бу ҳолат, аввало, деярли ярим аср мобайнида мазкур муаммо борлигини инкор этиш ва тан олмаслик натижасида келиб чиқди.

Муаммоли вазият

1. XXI асрга келиб инсониятни ташвишга солувчи глобал муаммолар юзага келди. Кимё заводларидан атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқиндилар муаммоси, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида турли кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ва унинг зарарли таъсири, кимё комплексларидан чиқариб ташланаётган зарарли оқова сувлар атрофдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун хавфлилиги, инсоният учун зарур бўлган ичимлик суви муаммосини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда атроф – муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқиндилар кўрсаткичлари

2. Бугунги кунда 1 миллиард тоннадан ортиқ ишлаб чиқариш ва маиший хўжалик чиқиндилари йиғилиб қолган. Масалан, фақат Олмалиқ ва Самарқанддаги кимё заводларида 60 миллион тоннадан ортиқ фосфогипс чиқиндичи тўпланган. Республикамизда ҳар йили 30 миллион тонна маиший-коммунал чиқиндилар,

чорвачилик комплексида 20 миллион тоннага яқин чиқиндилар вужудга келади. Улар ер усти сувларини ифлослантнувчи асосий манбалар ҳисобланади.

3. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида турли кимёвий ўғитларнинг зарарли оқибатларини тасаввур қилмай туриб қўллаш жиддий салбий экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Ўғитларнинг қўллаш чегараси ва зарарли таъсирини англамаслик, йилига 1га ерга 20-25 кг гача, айрим вилоятларда эса 40-45 кг гача заҳарли кимёвий моддалар, 400-450 кг гача минерал ўғитлар солинишига олиб келди. Ҳозирда республикамизда мавжуд хўжаликлар йилига 1,3-1,4 миллион тонна минерал ўғитлар ва 80-85 минг тонна пестицид ишлатмоқдалар

4. Минерал ўғитлар таркибида, масалан, фосфоритда кўп миқдорда фтор, оғир металллар мавжуд. Заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар тахминан 20-25 йил давомида назоратсиз ишлатилиб келинди. Аниқланишича, пестицидларнинг фақат 0,1% мақсадли ишлатилади, қолганлари сув, тупроқ, ҳавони ифлослантиради, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини беаёв йўқотади, инсон ва ҳайвонлардаги зарарли ирсий ўзгаришларга сабаб бўлади.

5. Тупроққа солинган минерал ўғитларнинг 30-40 фоизи ўсимликлар маҳсулдорлиги учун фойдали бўлиб, қолган қисми тупроқни парчалайди, натижада тупроқнинг ҳосилдорлиги йил сайин пасайиб бораверади. Булардан ташқари, минерал ўғитлар, пестицидларни ташиш ва сақлашда ҳам жиддий хатоликларга йўл қўйилиши кузатиламоқда.

1. Муаммо

Ҳозирги кунда экологик муҳитнинг ифлосланишининг олдини олишнинг хавфсиз йўллари ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар бериш.

2. Вазифалар

1. Экологик муаммоларни таҳлил қилиш.

2. Экологик муҳитни ифлосланишига олиб келувчи омилларни аниқлаш.

3. Атроф – муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлаётган манбаларни таҳлил қилиш.

4. Ҳозирги экологик аҳволни таҳлил

3. Ечим алгоритми

1. Экологик муаммоларни таҳлил қилиш:

2. Кимё заводларидан атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқиндилар муаммосини аниқлаш:

3. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида турли кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ва унинг зарарли таъсирини аниқлаш.

4. Кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ва унинг зарарли таъсирини аниқлаш

5. Кимё комплексларидан чиқариб ташланаётган зарарли оқова сувлар атрофдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун хавфлилигини аниқлаш ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш

6. Инсоният учун зарур бўлган ичимлик суви муаммосини бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш

Экологик муаммо таҳлили натижалари ва тавсиялар

№	Муаммони тасдиқловчи далиллар	Муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари	Таклиф қилинган ечим
1	Кимё заводларидан атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқиндилар муаммоси	Юқорида келтирилган далил-лардан кўриниб турибдики, зарарли чиқиндиларнинг атрофга тарқалиб кетишининг сабаби 50-60-йиллардан бери ишлаб келаётган эски ишлаб чиқариш технологияларидир. Бу корхоналарда янгидан ўрнатилган тозаловчи ва ушлаб қолувчи қурилмалар тегишли натижа бермаяпти	Чиқиндисиз ишловчи илғор технологияларни жорий этиш, бу технологияларни ўзимизда яратиш муаммосидир. Турли чиқинди-лардан халқ хўжалиги учун фойдали бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқиш, чиқинди-ларни зарарсизлантириш чораларини ишлаб чиқиш тавсия этилади
2	Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, ҳосилдорликни ошириш мақсади-да кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ва унинг зарарли таъсири	кимёвий ўғитларнинг зарарли оқибатларини тасаввур қилмай туриб қўллаш жиддий салбий экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Ўғитларнинг қўллаш чегараси ва зарарли таъсирини англамаслик натижасида, пестицидлардан нотўғри фойдаланиш сув, тупроқ ва ҳавони ифлослантиради	Фермерлар ўзларига қарашли ерлар таркиби-даги макро ва микроэлементлар миқдори ҳақида-ги маълумотларга асосланган ҳолда кимёвий ва минерал ўғитлардан фойдаланиш тавсия этилади ва экологик жиҳатдан тоза бўлган фойдали маҳсулотлар етиштириш-га имкон бўлади.
3	Кимё комплексларидан чиқариб ташланаётган зарарли оқова сувлар атроф	Оқова сувлар таркибидаги моддалар сув экологик системасида заҳарли моддаларнинг кўпайишига, сувнинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятларининг	Ҳозирги кунда янги соҳалар биокимё ва биотехнология фанларининг илғор технологияларидан фойдаланиш тавсия

учун хавфлилиги, ичимлик суви муаммоси	ўзгаришига сабаб бўлади.	этилади. Эколо-гияни асраш, атроф-муҳит ва ҳавога чиқарилаётган моддаларни вақтида зарарсизлантириш
--	--------------------------	---

Кимё заводларидан атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқиндилар муаммосини ҳал этишда чиқиндисиз ишловчи илғор технологияларни жорий этиш, бу технологияларни ўзимизда яратиш муаммосидир. Турли чиқиндалардан халқ хўжалиги учун фойдали бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқиш, чиқиндиларни зарарсизлантириш чораларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Кимё комплексларидан чиқариб ташланаётган зарарли оқова сувлар атроф учун хавфлилиги, ичимлик суви муаммосини ҳозирги кунда янги соҳалар биокимё ва биотехнология фанларининг илғор технологияларидан фойдаланиш тавсия этилади. Экологияни асраш, атроф-муҳит ва ҳавога чиқарилаётган моддаларни вақтида зарарсизлантириш лозим.

Дарс охирида ўқитувчи талабаларга қўйидаги саволларни бериб мавзуни мустаҳкамлайди.

1. Ўзбекистонда мавжуд бўлган кимё саноатларни санаб ўтинг.
2. Кимё саноати билан боғлиқ экологик муаммолар нималардан иборат?
3. Кимё заводларидан атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқиндилар муаммосини ҳал этишда қандай чора – тадбирлар ишлаб чиқилган?
4. Экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?
5. Инсоният учун зарур бўлган ичимлик суви муаммосини бартараф этиш бўйича қандай тавсиялар бериш мумкин?
6. Ҳозирги кунда экологик муҳитнинг ифлосланишининг олдини олишнинг хавфсиз йулларини ишлаб чиқиш бўйича сизнинг тавсияларингиз нимадан иборат? Шундай қилиб, кимё дарсларини ўқишда кейс–стади таълим технологиясидан фойдаланиш талабаларнинг янги мавзуни ўзлаштиришлари ҳамда мустақил фикрлашига мустаҳкам замин тайёрлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Раҳматуллаев Н.Г., Омонов Х.Т., Миркомиллов Ш.М. Кимё ўқитиш методикаси. Тошкент "Ўқитувчи" 2009
2. Долгоруков А. "Метод case-studu каксовременная технология профессионально-ориентированного обучения"-М. "Владос", 2008 й, 22 б
3. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент. ТДПУ. 2004.
4. Кларин М.В. Инновацион в мировой педагогике, Рига, 1995 г.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Влияние деформации на фототоки в p-n переходах
Гулямов А. Г, Усманов М.А..... 3
- 2 Различные действие инволюции на дифференциальные уравнение второго
порядка с постоянными коэффициентами
Эгамов Ж. А..... 10
- 3 Idempotent o'lchovlar simpleksini o'zini-o'ziga o'tkazadigan chiziqli operatorlarning
n=3 bo'lgan holda qo'zg'almas nuqtalari
Karimov M.M, X.M..... 14
- 4 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли
чизикли оддий дифференциал тенглама учун бицадзе-самарский масаласи
Тиллабаева Г.И..... 20
- 5 Smartfonni biometrik autentifikatsiya qilish: xavfsizlik va qulayliligi.
Holmirzayev N. E, Temirov O. M..... 26
- 6 Гельдер фазосида аралаш каср тартибли интеграл операторлар
Маматов Т.Ю..... 32
- 7 Поликристалл *CdTe:In* пленкаларда зарядланган нуқтавий нуқсонлар
электродиффузияси ва термомайдонли кўчиши
Полвонов Б.З, Насиров М.Х, Ахмаджонов М.Ф, Умаров А. О, Абдулазизов Б. Т..... 40
- 8 Радионуклидлар ва экология
Маматкаримов О.О, Кўчқоров Ҳ.О, Юсупов Д.А, Адашалиев А.У..... 47
- 9 Mustahkamlikning ba'zi muammolari, hamda nozik va yopishqoq halokatning klassik
mezonlari haqida
Salimov Sh.M..... 51
- 10 Периодические меры гиббса для антиферромагнитной модели поттса
Хакимов Р, Турсунова Н, Уктамалиева Д 56
- 11 Natural darajali algebraik yig'indilarni hisoblash formulalarini keltirib chiqarish
Mamasaidova M.A..... 61

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 12 Модификация полиолефинов с металлосодержащими олигомерными
модификаторами
Бозорова Н. Х, Каримов М. У, Джалилов А.Т..... 66

13	Helianthus tuberosus (topinambur) o`simligidan olinigan biologik faol moddalarni kimyoviy tarkibi asosida sinflash va sertifikatlash Mamatqulova S.A , Dexqanov R.S, Abdullayev Sh.V, Abdullajanov O.A.....	70
14	Иккиламчи хомашёлар асосида таркибида азот, олтингугурт, фосфор сақлаган коррозия ингибиторларининг агрессив мухитларда ст 20 металига таъсири Нарзуллаев А.Х, Бекназаров Ҳ.С, Джалилов А.Т.....	77
15	Янги турдаги кобалт фталоцианин пигментини йўл белгиларини бўяшда қўлланилиши. Юсупов М. О, Бекназаров Ҳ.С, Тиллаев А. Т, Джалилов А. Т.....	82
16	Изучение влияния базальтовой фибры на механические свойства геополимера Соттикулов Элёр Сотимбоевич, Джалилов Абдулахат Турапович,	89
17	Обозначение по тнвэд тн некоторых плодов и овощей Маматкулова СА, Дехканов Р. С, Ботировна Б. К, Абдуллаев Ш.В.....	94

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

18	Шаҳар мўйловдор қўнғизи (<i>coloptera, cerambycidae</i>)ни ўрганишга оид маълумотлар Маърупов А.А.....	102
19	Экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар меъёрларининг кузги арпа навларининг қишга чидамлигига таъсир Яркулова З.Р.....	110
20	Систематический анализ фитонематод растений хара (<i>chara fragilis</i>) в южно-сурханском водохранилище Рахматуллаев Б.А.....	115
21	Ток агроценозлари фитонематодаларининг ўрганилишига доир Бобокелдиева Л.А, Бобокелдиева Ш.А.....	120
22	Фарғона водийси ниначилари (<i>insecta: odonata</i>) нинг мавсумий фаоллигига оид Зокирова М.С, Мўминов Б.А,.....	125
23	Выделение и количественное определение β -экзотоксина в эффективных штаммах <i>bacillus thuringiensis</i> Халилов И.М , Кадирова Г. Х.....	129
24	Шимодий фарғона тупроқларида суанophyta бўлимининг таксономик таҳлили Хусанова О.Ғ, Камолитдинов М.И.....	136
25	Ош лавлагини тупроқнинг ҳажм массасига таъсири Сулаймонов И, Одилов И, Норинов А, Расулов С.....	140
26	Одам қизил қон хужайралари коллоид-осмотик мувозанати бузилишига хужайра ташқарисидаги глутатион моддасининг таъсири Меланова Н.Р, Юлчиева С.А.....	145

05.00.00 **ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

- 27 Жин машинаси конструкциясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган илмий тақдиқот ишларини таҳлили
Комилов Ш.Р, Мамадалиев Н.В, Саримсаков А.УМурадов Р.М 151
- 28 Namangan sharoitida zamonaviy qurilish muammolari.
Akramov X.M, Adashboyeva M.A..... 157
- 29 Aholi yashash hududlaridagi chiqindilarni qayta ishlash asosida hudud ekologiya holatini yaxshilash.
Akramov X.M, Murtozaeva I.U..... 160

09.00.00 **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**
ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

- 30 Ижтимоий омиларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни
Арзиматова И.М, Турсунов Б.М..... 165
- 31 Соғлиқ ижтимоий воқелик сифатида (фалсафий таҳлил)
Кўпалов С.У..... 170
- 32 Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг ҳуқуқий амалиётда қўлланилиши
Бабажанов С. Б..... 175
- 33 Маънавий қадрият ва анъналарнинг талабалар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни
Бойзоқова У.А..... 180
- 34 Иммануэл кант педагогикаси: ворислик ва янгиланиш
Исақова З.Р..... 186
- 35 Шахс таълим-тарбия жараёнининг объекти ва предмети сифатида
Каримбоева С..... 193
- 36 Умар хайём фалсафий қарашларида инсон тақдири ва эркин ирода масаласи
Шодиев Ж.Ж..... 197
- 37 Жамиятнинг иқтисодий тараққиётида табиат ва жамият ўртасидаги коэволюция муносабатларининг аҳамияти
Абдуллаев А.Н..... 204

10.00.00 **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

- 38 Zamonaviy lingvistika va terminologiya haqidagi nazariy qarashlar
Kuldashova N.B..... 210
- 39 Миллий-маданий ассоциациялар ҳосил бўлишининг лисоний ва нолисоний

омиллари	
Тожибоев Б.Р.....	215
40 Perifrazaning nominativ xususiyatlari	
Qodirova Z.Z.....	221
41 Алишер Навоий туюқлари	
Қурбонов А	225
42 Эжен Дабининг “Petit louis” романида лисоний тасвир воситаларининг қўлланиши	
Дадабоев С.М.....	230
43 Grammatikada tizimli hodisalar to'g'risida	
Muminov MT, Holmatova Z	234
44 Дейксис прагматиканинг аспекти сифатида	
Ишанжанова М. С.....	240
45 Ҳозирги рус тилида замон лексик майдони	
Каращук В.А, Кориева Н	245
46 Семантика и функции фазовых глаголов в русском языке	
Дедаханова М.М.....	253
47 Ўткир Ҳошимовнинг иборалардан фойдаланиш маҳорати	
Намозова М.Р.....	259
48 Суҳайлий шеърятининг жанр хусиятлари	
Болтабоева О.Ю.....	263
49 Семантическое варьирование слова (на материале прилагательных со значением времени современного русского языка)	
Худойбердиева М. З, Пулатова З.Т.....	267
50 Юсуф Хос Ҳожиб “қутадғу билиг” асаридаги ҳолат (ситуатив) реалиялар таржимаси хусусида	
Садиқов З.Я.....	275
51 Элементы семиотики в вузовском курсе теоретического языкознания	
Ташпулатова М.О.....	281
52 Синтактик сатҳ бирликларида шакл ва мазмун муносабати	
Усмонова Ҳ	286
53 Фразеологик бирликларнинг айрим лингвистик хусусиятлари	
Юсуфжонова Ш.М.....	290
54 Лингвистические средства манипулирования в рекламной сфере	
Хайитов Мамасоли Мамашарипович.....	293
55 Худойберди тўхтабоев ижодини ўқитишда интерфаол методларни қўллаш	
Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна.....	298
56 Таржима ва асар бадиияти	
Яркинова Б.Б.....	309

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

57	The main aims and objectives of teaching english to young learners Akhmadjonova K.K, Tukhtayeva K.D, Sotimboyeva Y.S.....	315
58	Boshlang'ich sinf o'quvchilarining asarlarni badiiy tahlil qilish qobiliyatlarini rivojlantirishning ayrim usullari va ahamiyati Murodova K.Sh, Shaamirova Y.K.....	321
59	Чет тилларини ўқитишнинг самарали усуллари Нуманов Ш.К.....	326
60	Факторы, влияющие на мотивацию студентов в обучении английского языка Абдуллаев А. Х.....	333
61	Кимё дарсларини ўтишда кейс – стади таълим технологиясидан фойдаланиш Акбарова М. Т.....	329
62	Игровые технологии как один из видов современных педагогических технологий, формирующих навыки исследовательской деятельности учащихся Чжен Е. В.....	346
63	Роль преподавателя в интерактивном обучении Арзиева Д. Т	351
64	Шарли майдалагичларда ишлатиладиган пўлат шарларнинг тобланганлигига таъсир қилувчи омиллар Бултаков З.Т.....	355
65	Methodical recommendations for teaching language mean expressing adverbial modifier of cause in english Isroilova D.I.....	361
66	Таълим жараёнида электрон таълим ва ананавий таълимнинг интеграцияси Қулматова Б. А, Буранова Д. А, Аъзамжонов К.О.....	366
67	Stages and methods of teaching a second foreign language Mamatova N.A.....	374
68	Development of communicative skills through different methods in teaching the subject of “english in medicine” Matveeva I. A.....	379
69	Имконияти чекланган болаларни жамиятга мослаштиришда ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари Таъшаев Л.А.....	385
70	Формулировка социального интеллекта как профессионально важного качества педагога Маматханова Н.Т.....	390
71	Инглиз тилини муҳимлиги ва унинг ўрни Пўлатова Ў.С.....	397

72	Деривационные возможности узбекского и английского языков в системе образных топонимов Курбонов Н. Б, Ташланова Н. Д.....	400
73	Электрон ишчи дафтар талабалар мустақил ишини ташкил этиш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида Тураев У. Я.....	409
74	Genderning ingliz tilini chet til sifatida o'rganish jarayonida erishilgan yutuqlarga ta'siri Hamdamova S.O.....	415
75	Инглиз тилини ўқитишда интерактив усулларида фойдаланиш учун замонавий талаблар. Эргашева Ю.О.....	419
76	Немис тили дарсларида миллатлараро толерантликни шакллантириш Якуббаев М.М.....	424
77	Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларнинг назарий тавсифи Кўчқаров З.Қ.....	430
78	Математик таълимда рақамли иқтисодиёт Нажмиддинова Ҳ.Ё.....	440
79	Компьютер графикаси асосида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда хорижий тажрибаларнинг ўрни Дилшодбеков Ш.Д.....	445
80	Оила ва мактаб ҳамкорлигини таъминлашнинг интегратив модели Иноқов Қ Қ.....	450
	ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ 19.00.00 ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PSYCHOLOGICAL SCIENCES	
81	Роль авторитета личности при формировании духовно-нравственных качеств будущих врачей. Ахмедова Н.Д.....	460
	СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ 22.00.00 СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ SOCIOLOGICAL SCIENCES	
82	К вопросу о социальном институте «семья» в республике узбекистан и его роли в обществе Акрамова Э.И.....	465
83	Жисмоний маданият ва спорт социологик категория сифатида. Мадаминов Б.Ш.....	468